

**Профилактик дезинфекция ишларини олиб бориш учун**

**Ш А Р Т Н О М А**

Тошкент ш. № \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани И.иргашев номли 4-сон ШКШ номидан Устав бош шифокор Мамаджанов Б.А. кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталувчи ва \_\_\_\_\_ кейинги \_\_\_\_\_ номидан \_\_\_\_\_ кейинги ўринларда «БУЮРТМАЧИ» деб аталувчилар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тузишди:

**1. Шартноманинг мазмуни ва иш ҳажми**

1.1. Буюртмачи топширади. «Иш бажарувчи» куйида кўрсатилган ҳажмдаги профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини ўз зиммасига олади:

№	Ишларнинг тури	Ўлчов бирлиги	Иш ҳажми (м2)	Йилда неча мартаба	Нархи (сўм)	Тулов суммаси(сўм)
1	Дезинфекция	М2	32000	х		
2	Дезинсекция	М2	32000			
3	Дератизация	М2	66000			

Жами сумма (ёзма равишда) \_\_\_\_\_

ойлар	Жумладан ойма – ой тулов ҳақи (сўм)											
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
суммаси												

1.2. Иморатни, бинони, хоналарни, ховли, санитария қурилмаларини худуднинг қурилмаган қисмаларини ишлов бериш тартибини ва муҳлатини «Иш бажарувчи» белгилайди. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган объектларда бир вақтининг ўзида бир йўла барча турдаги тадбирлар бўйича иш олиб боришни талаб қилолмайди, чунки дезинфекция ишларини ўтказиш регламенти соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган кўрсатма ва услубий қўлланмаларга асосан олиб борилади.

1.3. «Буюртмачи» ҳашоратлар ва кемирувчиларга қарши курашиш шартномасига объектнинг барча майдонларини: яъни умумий фойдаланадиган асосий майдон, сўнг яшаш хоналари, йўлаклар, девор жавонлари санузел, ошхона, зинапоя, холл, майдон ва ёрдамчи майдонлар (ертўла, чердак, техник ертўла, аҳлат камераси, сарой, гараж, хона ва бошқа қурилмалар ва х.к.) ва қурилмалари йўқ майдонларни киритади.

1.4. Майдон ҳажми фақат техник хизмат кўрсатиш бюроси (БТИ) томонидан берилган техник паспорт асосида белгиланади.

1.5. «Иш бажарувчи»га шартномада кўрсатилган иш ҳажмини текшириб туриш ҳуқуқи берилади (қурилмалар сони, уларнинг майдони) ва кўрсатилмай қолган майдон ёки яширгани аниқланган тақдирда «Буюртмачи» уни шартномага киритади ва яширган майдон учун шартнома кучга кирган кундан бошлаб пул тўлайди.

## 2. Бажарувчининг мажбурияти ва ҳуқуқлари.

2.1. Профилактик дезинфекция ишларини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан рухсат этилган дез.моддаларини қўлланишни.

2.2. Рухсат этилган ва амалда қўлланилаётган ташкилий – методик кўрсатма ва йўриқномаларга асосан ишлашни.

2.3. «Буюртмачи»га ишлатётган дез.моддалар ҳақидаги эҳтиёт чоралари бўйича тушунтириш ишларини олиб боришни.

2.4. «Буюртмачи» худудида кемирувчи ва хашоратлар тарқалишига омил бўладиган шароит ва сан-техник камчиликларни топишни ва уларни бартараф этиш йўл-йўриғини «Буюртмачи»га тушунтиришни.

2.5. «Буюртмачи» объектига кемирувчи хашоратларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида профилактик текширув назоратини ўтказишни.

2.6. Кемирувчи ва хашоратлар борлиги аниқланган тақдирда уларга жадал қарши кураш ишларини олиб боришни.

2.7. Барча худудда иш олиб бориш учун шартнома тузилган бўлса, кемирувчилар сонини (дератизация ишлари бошлангач камида 3 ойдан сўнг) хашоратлар сонини (камида 6 ой муддат ичида), энг кам микдорга етишини таъминлашни. Шунингдек, «Буюртмачи»дан дезинфекция ишларини хавфсизлигани ва самарадорлигини шартноманинг 3 булимга асосан таъминлашни талаб қилади.

## 3. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Ушбу шартнома учун маъсул шахсни тайинлаш. Бу шахс объектнинг, ахлат камераларининг санитария ҳолати, корхона худудининг тозаллиги учун жавоб беради. объектни текшириш ва ишлов беришда ҳамроҳ бўлади ва қилинган ишлар учун ҳужжатларни имзолайди ва корхона муҳри (штампи) билан тасдиқлайди.

Маъсул шахснинг Ф.И.О. мансаби, телефон рақами имзо намуналари:

---

3.2. Ишлов берилаётган объектларда барча техника хавфсизлиги чораларига амал қилишни таъминлаш (қўлланиладиган дез.моддага нисбатан) «Иш бажарувчи» талабига асосан дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун объектлардан иш жадвалини белгилашни:

3.3. Биноларни ишлов бериш учун ўз вақтида тайёрлашни.

3.4. Хурақлар қуйиш учун зарур бўлган мосламаларни тайерлаш ёки сотиб олиш уларнинг иўқолиб кетмаслигини таъминлашни.

3.5. Барча хоналарга кириш имконини таъминлаш, уларга ёритиш, электрхавфсизлиги таъминлаш, ертўлаларни сувдан тозалаш ва қуриштириш, зинапояларни, туткичларни, полларни таъмирлаш ва бошқа техника хавфсизлиги ва меҳнати муҳофаза қилиш шароитларини таъминлашни.

3.6. Дератизация ўтказувчи шахсларини ишлашларига қулай шараит яратиш бериш учун девор тамондан камида 70 см очиқ жой қолдириш, стеллажларнинг пастки томони ердан камида 25 см юқори бўлишни таъминлашни.

3.7. «Иш юритувчи»нинг талабига асосан кемирувчилар уяларини, турли тешик ва ковакларни беркитиб ташлаш учун материал ва ишчи кучи билан таъминлашни:

3.8. Кемирувчилар ва хашоратлар кўпайиши ва яшаш учун кулай шароитларни бартараф етишни.

3.9. Ўлган кемирувчи (каламуш, сичқон)ларни олиб ташлаш «Иш юритувчи» вазифасига кирмайди.

#### 4. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммаси \_\_\_\_\_ сўмдан иборат.

4.2. «Буюртмачи» бажарилган иш учун ҳақ тўлашни ҳар ойнинг 15 кунига қадар амалга оширишни шарт.

4.3. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун 0,1% дан пеня тўлайди, лекин тўланмаган сумманинг 50% ошмаган миқдорда ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун пеня тўлайди.

4.4. Олдиндан тўлов суммаси \_\_\_\_\_% (фоизни) ташкил этади. Қолган \_\_\_\_\_% «Иш юритувчи»томонидан ҳар ойда ҳисоб-фактура такдим этилгач амалга оширилади.

4.5. Шартноманинг муддати Фукаролик кодексининг 357 моддасига асосланиб, хизмат курсатиш 20 й « » \_\_\_\_\_дан, 20 й « » \_\_\_\_\_ гача ҳисоблансин.

#### 5. Кўшимча шартлар.

5.1. Объекта илон, чаён каби захарли кушандаларга қарши кураш тақазо этилган тақдирда ортиқча сарифланган кимёний моддалар баҳоси кўшимча ҳақ сифатида тўланиши шарт.

#### 6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

6.1. Дезинфекциянинг барча турлари бўйича ишлар «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган навбатдаги 30% бадал суммаси тўлангач ва бу ҳақда куни ва рақами ёзилган тўлов қогози кўрсатилгач, амалга оширилади. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»томонидан ушбу шартноманинг 3 – бўлимида кўрсатилган талаблар бажарилгач тадбирларни олиб боришга киришади. Ақс ҳолда иш тўхтатилади ва барча жавобгарлик «Буюртмачи» зиммасига юклатилади. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, тарафларнинг жавобгарлиги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 июл 1999 йилдаги «Дебиторлик қарзларни муддатидан ўтказиб юборганлиги учун Вазирликлар, муассасалар, хўжалик бирлашмалар ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадидаги кўшимча чоралар «тўғрисида»ги Фармон асосида «Иш бажарувчи» 90 кундан ошган дебитор қарзлар бўйича хизмат кўрсатишни тўхтатилади, қачонки кўрсатилган хизмат ҳақи тўла тўлагунга қадар. «Иш бажарувчи» 90 кундан ошган дебитор қарзлар бўйича ўзаро солиштириш далолатномаси асосида «Буюртмачи» ҳисоб рақамидан тўлов талабномасига биноан қарзларни ундириб олиши мумкин.

6.3. «Иш бажарувчи» кемирувчилар ва хашоратлар томонидан етказиладиган зарар учун жавобгарликни бўйнига олмайди, чунки унинг фаолияти уларнинг сонини камайтиришга қаратилган.

6.4. Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятлар (ушбу шартноманинг 2-бўлимига қаранг) бажарилган тақдирда «Буюртмачи» томонидан шартнома муддатидан аввал бекор қилинса, бундай ҳолда «Буюртмачи» қолган суммани ҳаммасини 10 кун ичида тўлашга мажбур.

6.5. Томонлар орасида шартномага асосланган ёки асосланмаган ҳолда келиб чиққан низолар умумий қондалар ва процедуралар асосида ҳал қилинади, низоли масалалари Ўзбекистон Республикаси туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7. Форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш.

Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда ва муайян шартларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

8. Шартномани узайтириш ёки бекор қилиш шартлари.

8.1. Агар томонлардан биронтаси шартномани муддатидан аввал бекор қилмоқчи бўлса, унда 30 кун олдин иккинчи томонни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

8.2. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар фақат тарафларнинг узаро розилиги билан ёзма равишда амалга оширилади ва икки тамонлама имзолангандан сунг юридик кучга эга бўлади.

9. Тарафларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ИШ БАЖАРУВЧИ”

“БҮЮРТМАЧИ”



Буюртмачи \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Хуқуқшнос хулосаси:

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексининг шартнома тўғрисидаги 26 боб 353-363 моддалар (умумий қондалар), 38 боб 703-708 моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг 21, 24, 32, 34, моддалари талабларига жавоб беради.